O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 28 сентябрь, № 193 (4346) Жума

# ИСТИҚЛОЛ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛИЙ САМАРАЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни билан танишиш учун 27 сентябрь куни Жиззах ва Сирдарё вилоятларига ташриф буюрди.***

Мамлакатимиз пахта далаларида ҳосил чўғи ҳар йилгидан баланд. Деҳқонларимиз пешона тери эвазига етиштирилган «оқ олтин»ни нест-нобуд қилмай йиғиб олиш учун ғайрат камарини маҳкам боғлаган.

Юртимизнинг улкан пахта хирмонига Жиззах вилояти миришкорлари ҳам муносиб улуш қўшадилар. Шуниси эътиборлики, Жиззах юртимизда фермерлик тизимига биринчи бўлиб тўла ўтган вилоятлардан. Вилоятда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида ҳосилдорлик муттасил ошиб бормоқда. Масалан, 2003 йилда пахтачиликда ҳосилдорлик ҳар гектар ердан 16,1 центнерни ташкил этган бўлса, 2006 йили у 23,4 центнерга етди.

Вилоятдаги салкам 10 минг фермер хўжалигидан 5 мингга яқини пахтачилик билан машғул. Ўтган йили етиштирилган пахта ҳосилининг 98,1 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келди. Жиззахлик миришкорлар бу йил 255 минг 326 тонна қимматбаҳо хом ашё тайёрлашни мўлжаллаган.



Президентимиз Ислом Каримовнинг вилоятга ташрифи Жиззах туманидаги Абдунаби Абдураҳмонов раҳбарлик қилаётган «Қўрғонтепа» фермер хўжалиги даласида мазкур ҳудуддаги фермерлар, теримчилар, қишлоқ аҳли вакиллари билан учрашувдан бошланди. Давлатимиз раҳбари мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилган ислоҳотлар, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ўзгаришлар, жамиятимиз ҳаётидаги демократик янгиланишлар одамларнинг онги ва дунёқарашида, турмуш тарзида қандай акс этаётгани билан қизиқди.

— Кишиларимизнинг ҳаёти фаровонлашгани сари, табиийки, уларнинг талаби ва диди ҳам юксалиб, замонавий турмуш шароитига мос тарзда эҳтиёжи ҳам ортиб боради, — деди Президентимиз. — Яқиндагина автомобиль юртдошларимиз учун ҳою ҳавас ҳисобланган бўлса, бугунги кунда у одатдаги транспорт воситасига айланди. Қишлоқ жойларда машиналарнинг кўпайиши одамларимизнинг имкониятлари тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Аёллар, ёшлар мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган турмуш шароитини яратиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилаётгани, юртимиз кундан-кунга ободонлашиб, халқимиз ҳаёт даражаси юксалаётгани, янги маҳалла марказлари, йўллар бунёд этилаётгани, аҳоли даромади ортаётгани, энг чекка қишлоқларда ҳам замонавий таълим масканлари, спорт иншоотлари қад ростлаётгани хусусида мамнуният билан сўзладилар.

— Янги ўқув йилида биз яшайдиган «Тоқчилик» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 750 ўринли ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ишга туширилди, — деди Меҳри опа Эрматова. — Набирам ушбу таълим масканининг ўқувчиси бўлганидан бошим осмонга етди.

— Ҳунари бор хор бўлмас экан, — дея суҳбатга қўшилди Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, «Қуёшсевар Парда» фермер хўжалигининг раҳбари Парда Зиёдов. — Истиқлол шарофати билан зарур соҳалар мутахассислари қишлоқнинг ўзида етишиб чиқаяпти. Бу мамлакатимизда юртимиз тараққиётини, халқимиз, айниқса, ёш авлод келажагини ўйлаб амалга оширилаётган улуғ ишларга бир мисол. Бундай залварли ютуқларни барча соҳаларда кўриб, нафақат гувоҳи, балки ана шу хайрли юмушларнинг фаол иштирокчилари бўлаётганимиздан жуда фахрланамиз.

Юртбошимиз фермернинг даласини кўздан кечирар экан, қандай пахта навларини экканини, пахтачиликдан қанча даромад олаётгани билан қизиқди. Вилоятнинг ўзига хос иқлим шароитини, сув танқислигини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий навларни етиштириш масаласига алоҳида тўхталди.

— Ҳар бир ҳудуднинг, жумладан, Жиззах вилояти туманларининг ҳам ўз истиқболли пахта навлари бўлиши керак, — деди давлатимиз раҳбари. — Маҳаллий шароитга мос янги навларни танлаш ва жорий этишда олимлар, мутахассислар фермерларга кўмак бериши, бу борада кунт билан изчил иш олиб боришлари даркор.

Мамлакатимиз раҳбари Пахтакор туманидаги «Усмон бобо» фермер хўжалиги даласида бўлган учрашувда пахтанинг эртапишар, серҳосил, тола сифати юқори ва касалликларга чидамли навларини кўпайтириш ҳар томонлама, айниқса, фермернинг даромади ошишида муҳим омил бўлишига эътиборни қаратди.

— Етти йилдан буён фермерлик қиламан, — деди мазкур фермер хўжалиги раҳбари Жўрабой Мусурмонов. — Мавжуд 21 гектар ер майдонимизнинг 8 гектарида пахта етиштирдик. Ўтган йили «Ан-Боёвут-2» навини экиб, ҳар гектар ердан 36 центнердан ҳосил олдик ва пахтачиликнинг ўзидан 12 миллион сўм даромад қилдик.

Юртбошимиз Дўстлик туманидаги «Қаландар Гулбой» фермер хўжалиги далаларида ҳам бўлди. Фермер хўжалиги раҳбари Дилшод Шодиев ўтган йили 31,7 миллион сўм даромад қилган. Бу даромаддан янги уй қурган, дала шийпони барпо этган, «Нексия» сотиб олган. Ижтимоий ҳимоя йилида туман марказий касалхонасига бир миллион сўм, ёрдамга муҳтож оилаларга бир тонна буғдой ва сигир берган.

Давлатимиз раҳбари кузнинг ғанимат кунларидан унумли фойдаланиб, ҳосилни тезроқ териб олиш ҳам деҳқон манфаатлари талаби, ҳам фермер зиммасидаги масъулият эканини таъкидлади.

Ислом Каримов вилоят фермерлари билан мулоқот чоғида Жиззах вилоятида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида эришилган ютуқларни қайд этиш баробарида, мавжуд муаммоларга ҳам тўхталди. Вилоятда давлатга пахта сотиш борасида бу йил бир оз кечикиш кўзга ташланмоқда. Бунинг сабаблари айрим хўжаликларда агротехник тадбирларни амалга оширишда камчиликларга йўл қўйилган. Ғўзани чилпиш ва баргини сунъий тўкиш ишларида агротехник талабларга риоя қилинмагани оқибатида пахтанинг пишиши бир оз кечиккан.

— Жойларда ирригация иншоотларини барпо этишда муайян натижаларга эришдик. Лекин мелиорация соҳасида амалга оширадиган ишларимиз ҳали анчагина, — деди Президент. — Шу мақсадда 2008 йилда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун давлат бюджетидан сарфланадиган маблағ миқдорини жорий йилдагига нисбатан бир неча баравар оширишни мўлжаллаяпмиз.

Истиқлол туфайли фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Фермерларнинг мулк эгаси бўлишига, уларда мулкдорлик ҳисси уйғонишига эришилди.

— Фермерларимиз нафақат далада ишлайдиган деҳқон, айни чоғда, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига, одамларнинг ўй-ташвишларига шерик бўлиш масъулиятини зиммасига оладиган илғор синфга айланмоқда, — деди Ислом Каримов. — Шу боис, улар ишлаб чиқариш билан кифояланиб қолмасдан, ижтимоий муаммолар билан ҳам чуқурроқ шуғулланиши, юртимизда давом этаётган ислоҳотлар жараёнида янада фаолроқ иштирок этиши даркор.

Учрашувлар давомида жиззахлик фермерлар давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» маърузасини диққат билан ўқиб чиққанларини айтдилар. Маърузада истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган буюк ўзгаришлар ҳаётий, ҳаққоний мисоллар асосида чуқур таҳлил этилган.

Сирдарё вилояти ҳақида, унинг мамлакатимиз ҳаётида тутган ўрни, бугуни ва истиқболи хусусида гапирилганда, кўпинча бошқа вилоятлардан фарқ қиладиган, нисбатан мураккаб ер-сув шароити тилга олинар эди. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, жумладан, фермерлик ҳаракатининг ривожланиши бундай қарашларни тубдан ўзгартирди. Узоқ йиллар қолоқ ҳудуд саналиб келган Сирдарё сўнгги йилларда оёққа туриб, иқтисодий имкониятлари кенг эканини исботламоқда.

Ислом Каримов Сирдарё вилоятида иқтисодий салоҳияти, ер-сув шароити бир-биридан фарқ қиладиган уч туман фермерлари билан суҳбатлашди.

Сардоба — чўл ҳудудида жойлашган туман. «Бахмал» фермер хўжаликлари уюшмасида қишлоқ мулкдорлари билан учрашган Президентимиз фермерлик шунчаки ҳавас эмас, машаққатли меҳнат, кунт, чидам ва фидойилик талаб қиладиган касб эканини таъкидлади.

— Бу соҳада ҳам ҳар ким имкониятига, салоҳиятига, билимига қараб иш юритади, — деди Президентимиз. — Қайсидир фермернинг 40 гектар, бошқасининг 600 гектар ери бор. Фермер ишига унинг ери оз-кўплигига қараб эмас, ҳар гектар ердан оладиган даромади, соф фойдасига қараб баҳо бериш тўғри бўлади.

Юртбошимиз фермерларнинг ушбу масала бўйича фикрлари билан қизиқди.

— Фермер хўжалигимиз 1994 йилда ташкил этилган, — дейди «Абдулла Қодирий» фермер хўжалиги раҳбари Асатилла Бердиқулов. — Дастлаб 300 гектар ер олган эдик. Ишни юритиш осон бўлмади. Секин-аста оёққа турдик. 2000 йилдан бошлаб ҳар йили қўшимча ер олиб, умумий майдонимизни 650 гектарга етказдик. Йигирмадан зиёд техникамиз бор. Хўжаликда 75 киши меҳнат қилади. Ўтган йилни 180 миллион сўм соф фойда билан якунладик.

— Бир пайтлар 650 гектар ер бутун бир колхознинг ери ҳисобланар эди, — деди Президентимиз. — Колхознинг бошқарув тизимида 30-40 киши, далада эса камида мингга яқин одам меҳнат қиларди. Қишлоқ хўжалигида олиб борилган ислоҳотлар туфайли шунча ерда бугун қанча одам ишлаяпти, қанча даромад олаяпти — мана шу хўжалик мисолида яққол кўриб турибмиз.

Юртбошимиз бир масалага алоҳида эътибор қаратди.

— Ишловчиларда боқимандалик кайфиятининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик лозим. Агар ҳамманинг — яхши ишлаганнинг ҳам, қўл учида меҳнат қилганнинг ҳам манфаатдорлиги бир хил бўлса, аҳвол эски ҳаммом, эски тослигича қолади, — деди Президентимиз. — Хўжалик аъзоларининг моддий манфаатдорлиги нафақат уларнинг меҳнатига, балки ишга муносабатига, ташаббускорлигига ҳам қараб белгиланиши керак.

Оқолтин туманидаги «Собиржон Сиддиқов» фермер хўжаликлари уюшмаси фермерлари билан суҳбатлашган Юртбошимиз бир пайтлар 16-17 центнер ҳосил берган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшилангач, ҳосилдорлик кескин ошганини таъкидлади.

— Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиламасдан, шўрланишга қарши чора кўрмасдан туриб, юқори ҳосил олиш қийин, — деди давлатимиз раҳбари. — Бунинг учун дренажларни, коллекторларни тартибга солиш керак. Аммо бу муаммони фермернинг ўзи ҳал қилолмайди. Унга давлат ёрдам бериши керак. Ҳар қандай тараққий этган мамлакатда ҳам қишлоқ хўжалиги соҳаси давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланади.

Суҳбат давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган самаралар, аҳолининг турмуш даражаси, онги ва дунёқараши нечоғли ўзгариб бораётгани хусусида фикр алмашилди.

Бир пайтлар Мирзаобод туманида пахта етиштириб бўлмайди, деган фикр билан ушбу ҳудудда пахта экиш тўхтатилган эди.

Шу тумандаги «Бўрибек» фермер хўжалиги далаларида фермерлар билан учрашган Президентимиз суҳбатни шу мавзудан бошлади.

— Эски тузум пайтида бу ерда яшайдиган одамларнинг тақдири, уларнинг турмуш шароити, манфаатдорлиги ва рағбатлантирилиши ҳақида ҳеч ким ўйламаган, — деди Ислом Каримов. — Бугун ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Фидокорона меҳнат қилиб, юқори ҳосилдорлик ва юксак даромад олишга эришаётган мирзаободлик фермерлар эскича қарашлар нотўғри эканини амалда исботламоқдалар.

Юртбошимиз бугун қишлоқ мулкдорлари замон талаблари асосида иш олиб боришлари, ҳудудда чорвачилик ва саноатни ҳам ривожлантириш лозимлигини таъкидлади. Бу нафақат уларнинг ўзига, балки бутун мамлакатимиз иқтисодиётининг янада юксалишига хизмат қилади.

**Ғулом МИРЗО,**
**Тошқул БЕКНАЗАРОВ,**
**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**Дилором ЭСОНОВА,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



*26-27 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши таклиф этган кун тартибини тасдиқладилар.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Қ. Тошматов «Бюджет тизими тўғрисида»ги ҳамда «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари иштирок этган савол-жавоблар ва муҳокамадан сўнг депутатлар мазкур Қонунни қабул қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Ф. Ражабов «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди. Ҳужжатнинг моддама-модда муҳокамаси чоғида депутатлар уни янада такомиллаштиришга

(Давоми 2-бетда).

# ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ВА ЕЧИМЛАР

***Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес-марказида ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) бўйича бешинчи саммит ўз ишини бошлади. Унда Озарбойжон, Буюк Британия, Германия, Қозоғистон, Канада, Жанубий Корея, Япония, Голландия, Россия, Тожикистон, Таиланд, Украина каби 12 мамлакатдан 300 нафардан ортиқ делегат — АКТ бозорининг етакчи экспертлари, давлат органлари, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, мамлакатимиз ҳамда хорижий IT-компанияларнинг раҳбар ва мутахассислари иштирок этмоқда.***

**▼ АКТ ҳафталиги**

Ахборот-коммуникация технологиялари саммити йилдан-йилга республикамиз мутахассислари, хорижий мамлакатлар халқаро экспертларини ўзига янада кўпроқ жалб қилмоқда. Бугунги саммит АКТ ҳафталигига якун ясаб, унинг ишларини сарҳисоб қилиш, ҳаётимизнинг турли соҳаларига янги ишланмаларни жорий этиш борасидаги янги тенденциялар, ютуқлар ҳамда манфаатларни аниқлаш, шунингдек, АКТ имкониятларини рўёбга чиқариш ва ушбу тармоқни ривожлантириш жараёнида юзага келадиган вазифаларни аниқлаш ҳамда муҳокама қилиш имконини беради.

Бугунги глобаллашув асрида бирон-бир фаолият соҳасини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Мамлакатимизда жамият ҳаётида ушбу технологиялар ролини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг ўринбосари А. Хўжаев шу ҳақда гапирди.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

***2007 йил 26 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда 2008 йил учун макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳаси муҳокама қилинди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев олиб борди.***

Мажлис муҳокамасига киритилган мамлакатимизнинг келгуси йил учун асосий иқтисодий ҳужжатлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўринбосари, Молия вазири Р. Азимов сўзга чиқди. Маърузада Ҳукуматга кўриб чиқиш учун киритилган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг 2007 йил 30 августда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган мамлакатимиз иқтисодиётини янада ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг энг муҳим устувор йўналишларига асосланганлиги таъкидлаб ўтилди.

Иқтисодиёт вазири Б. Хўжаев, Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. Парпиев, Давлат божхона қўмитаси раиси С. Носиров, Савдо-саноат палатаси раиси А. Шайхов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев ҳамда бир қатор хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарлари, кичик ва хусусий бизнес вакилларининг чиқишларида иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини сақлашга, иқтисодиётни таркибий ислоҳ қилишни, модернизациялашни, базавий тармоқларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни таъминлашга, инвестициявий муҳитни яхшилашга, кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг ялпи ички маҳсулотнинг юқори реал ўсиш суръатлари камида 8 фоиз даражасида бўлишини, саноат тармоқларини 9,6 фоиз миқдорида жадал ўстиришни, капитал қўйилмалар ҳажмини 16 фоизга кўпайтиришни, инфляцияни аҳолининг реал даромадларини жадал ўстирган ҳолда 6-8 фоиз даражасида сақлашни кўзда тутувчи 2008 йил учун макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози бўйича таклифлари қўллаб-қувватланди.

Мажлисда биринчи навбатдаги вазифалар қаторида тўловлар интизомини янада мустаҳкамлаш, Давлат бюджетига солиқлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тушумлар йиғиш даражасини ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Кадрлар тайёрлаш, мактаб таълимини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини бажаришга биринчи навбатда йўналтириладиган бюджет маблағларининг тежамли ва самарали ишлатилиши масалалари Халқ таълими вазири Т. Жўраев, Соғлиқни сақлаш вазири Ф. Назиров, бюджетдан маблағ олувчи бир қатор идоралар ва муассасалар раҳбарларининг чиқишлари марказида бўлди.

Муҳокама чоғида 2008 йил учун солиқ ва бюджет сиёсатини, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини янада такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, шу асосда аҳолини иш билан таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш масалаларини ҳал этиш учун қўшимча рағбатлар яратиш мақсадида микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасини 10 фоиздан 8 фоизгача камайтириш таклиф этилди.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни, инвестициявий жараёнларни фаоллаштиришни, корхоналарни модернизация қилиш, техника ва технологиялар билан қайта жиҳозлашни рағбатлантиришни мўлжаллаган ҳолда солиқ юкини изчил қисқартириш мақсадида табиий газга акциз солиғи ставкасини 5 фоизли бандга ва тижорат банклари учун фойда солиғи ставкасини 2 фоизли бандга камайтириш, республикамизда ишлаб чиқариладиган бир қатор халқ истеъмоли товарларига акциз солиғини бекор қилиш таклиф этилди ва солиқ юкини камайтиришга қаратилган бошқа чора-тадбирлар кўриб чиқилди.

2007-2009 йиллар мобайнида иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорини 2,5 баравар ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан қўйилган вазифани бажариш учун Вазирлар Маҳкамаси мажлисида 2008 йилги Давлат бюджети лойиҳасининг харажатлар қисмида бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини изчил оширишга қўшимча бюджет маблағлари ажратилишини кўзда тутиш таклиф этилди. Шу билан бирга, ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатларнинг Давлат бюджетидаги улушини 54 фоиз даражасигача кўпайтириш таклиф этилди.

Олинадиган солиқлар миқдорини қисқартириш ҳисобига аҳолининг реал даромадларини ошириш тенденциясини сақлаб қолиш мақсадида жисмоний шахсларнинг 13 фоизли ставка бўйича солиқ солинадиган даромадлари чегараларини энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 5 бараваридан 6 бараваригача кенгайтириш таклиф этилди.

Шу билан бир қаторда, мажлисда таълим муассасаларини бюджетдан режалаштириш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш, унумдорлиги паст ерларда пахта етиштирадиган фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини молиялаштириш ҳажмларини тубдан ўстириш бўйича чора-тадбирлар кўриб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан муҳокама натижалари бўйича 2008 йил учун макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозини, солиқ ва бюджет сиёсати концепциясини, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳасини асосан маъқуллаш ва уларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди.

2008 йил учун Давлат бюджетининг аниқ параметрлари улар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилингандан кейин чоп этилади.

**(ЎзА)**

# Газета ва газетхон: ЮЗМА-ЮЗ



## БМТ Хавфсизлик Кенгашининг вазифаси

***Матбуотда тез-тез «БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши» деган жумлани учратиб тураман. Хавфсизлик Кенгашининг вазифаси нималардан иборат?***

**Алишер БОБОЁРОВ.**
Янгиер шаҳри.

*Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши БМТ Низомига мувофиқ, халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш бўйича асосий масъулиятни ўз зиммасига олади.*

*Хавфсизлик Кенгашининг 15 аъзоси бор. Уларнинг бештаси — Хитой Халқ Республикаси, Франция, Россия Федерацияси, Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатлари доимий аъзо ҳисобланади. Қолган 10 аъзо эса икки йил муддатга сайланади.*

*Хавфсизлик Кенгашининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга. Расмий қарорлар 15 аъзодан камида 9 таси овоз бергандагина қабул қилинади. Доимий аъзолар қабул қилинаётган ҳужжатга «вето» қўйиш (норозилик билдириш) ҳуқуқига эга. «Вето» қўйилган ҳужжат қабул қилинмайди.*

*Низомга мувофиқ, БМТнинг барча аъзолари ХК қарорларига бўйсуниши ва уни бажариши шарт.*

***И. ЗОКИРОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг БМТ ва Халқаро ташкилотлар масалалари бўйича бошқармаси бошлиғи.***




Жамшид НОРҚОБИЛОВ сурат-лавҳаси.

## Ҳакамлик судининг бошқа судлардан фарқи нимада?

***- Ҳакамлик судлари қандай низоларни ҳал этади?***

**Д. САЪДУЛЛАЕВ.**
Пастдарғом тумани.

- Ўзбекистон Республикасининг «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонунига асосан, ҳакамлик судлари фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳам ҳал этади. Улар маъмурий, оила ва меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни ҳал этмайди.

**Акром ЗОҲИДОВ,**
**Республика Савдо-саноат палатаси мутахассиси.**

## НУЖлар қаерда?

— 90-йилларда номаълум учувчи жисмлар ҳақида кўп ёзиларди. Кейинги вақтларда бундай хабарларни умуман эшитмаяпмиз. Улар ҳақиқатан мавжудми ёки айғоқчи фазогирларми?

**Б. АВАЗОВ.**
Беруний тумани.



**— Номаълум учар жисмларнинг борлигига гувоҳлик берувчи юзлаб фотосуратлар мавжуд бўлишига қарамай, фанда уларни тасдиқловчи бирор бир исбот йўқ. Бу эса НУЖлар устида илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини бермаётир.**

**НУЖларнинг маълум вақтларда кўпроқ ташриф буюриши жамиятдаги ўзгаришлар ёки одамларнинг руҳий ҳолатлари билан боғлиқ, деган тахминлар бор. Аммо улар коинотни энг чекка объектларигача кўра оладиган телескопларда бирор марта ҳам кўринмаган. Афтидан, ўша пайтларда айрим нашрлар омма эътиборини тортиш учун ёлғон-яшиқ гапларни ёзаверган бўлиши мумкин. НУЖлар бошқа давлатларнинг айғоқчи фазогирлари, деган фараз эса ҳақиқатдан йироқ гапдир.**

**Чори ШЕРДАНОВ,**
**ЎзРФА Астрономия институти илмий котиби.**

## Кимларга дастлабки синов белгиланмайди?

**— Мен яқинда ишга кирмоқчиман. Айтинг-чи, ишга қабул қилишда кимларга нисбатан дастлабки синов татбиқ этилмайди?**

**О. ОТАЖОНОВА.**
Хонқа тумани.

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 84-моддаси, 3-қисмига кўра, ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар ишга қабул қилинганда, шунингдек, олти ойгача муддатга ишга қабул қилинган шахсларга дастлабки синов белгиланмайди.

**Тоҳиржон БОБОЖОНОВ,**
**Хоразм вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи.**

## Боламнинг фамилиясини ўзгартирмоқчиман

***— Боламнинг фамилиясини ўзгартириш учун қаерга мурожаат қилишим керак?***

**М. ЭРГАШЕВА.**
**Бухоро шаҳри.**



— Оила кодекси, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари ва ФҲДЁ органларида иш юритиш тартиби ҳақидаги йўриқноманинг тегишли бандларида кўрсатилишича, фуқаролик ҳолати далолатномаси ёзувларига ўзгартишлар, тузатишлар ва қўшимчалар киритиш етарли асослар бўлганда ва манфаатдор шахслар ўртасида низолар учрамаганида ФҲДЁ органи томонидан амалга оширилади.

18 ёшга тўлмаган фуқаронинг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгартирилганда, вояга етмаганлиги сабабли унинг ота-онаси, васий ёки ҳомийсининг розилиги талаб қилинади.

Аризага ариза берувчининг илтимоси асосли эканини тасдиқловчи ҳужжатлар (паспорт нусхаси), далолатнома ёзувлари нусхалари илова қилинади. Шунингдек, йиғма жилдга ўзгартирилиши лозим бўлган гувоҳномаларнинг асл нусхаси тикиб қўйилади.

**Д. ЗИЁДУЛЛАЕВА,**
**Бухоро шаҳар 1-сонли ФҲДЁ бўлими мудири.**

## Ўтказиб юборилган муддатни тикласа бўладими?

— Айрим сабабларга кўра, мен пенсияга чиқиш учун ҳужжатларни тегишли идорага уч йил кеч тақдим қилганман. Ўтказиб юборилган муддат учун ҳам пенсия бериладими?

**С. ҚОБИЛОВА.**
Қумқўрғон тумани.

— Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига шарҳларда таъкидланишича, тақдимнома ёки ариза барча зарур ҳужжатлар билан қабул қилиб олинган кун пенсия учун мурожаат этилган кун деб ҳисобланади. Пенсия учун мурожаат этилган кундан эътиборан бу муддат пенсия тайинлаш муддатига мувофиқ келса, тўлана бошланади.

Мазкур шарҳларнинг 59-моддасига биноан, пенсионерга ҳисоблаб чиқариб қўйилган, лекин унинг томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган пенсия пули пенсияни олиш мақсадида мурожаат этилганидан олдинги уч йилдан ошмаган давр учун тўланади.

Пенсия тайинловчи ёки тўловчи идоранинг айби билан ўз вақтида олинмай қолган пенсия пули ўтган давр учун муддати чекланмаган ҳолда тўланади.

**Чори МИРЗАЕВ,**
**Қумқўрғон тумани ижтимоий таъминот бўлимининг нафақа тайинлаш бўйича бўлим бошлиғи.**



## Иккиланишга ҳожат йўқ

***— Дугонам мактабни тугатган қизини Самарқанддаги коллежлардан бирига ўқишга олиб борди. Айтишича, вилоятимиздаги банклар филиалларида ишга қабул қилишда «банк иши» йўналиши бўйича Самарқанд ва Тошкентдаги коллежларда ўқиганлар учун имтиёз бормиш...***

***Х. СУВОНҚУЛОВА.***
*Пахтакор шаҳри.*

*— Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул бўйича Давлат комиссияси томонидан 2006-2007 ўқув йили учун вилоятдаги ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги 15 та коллежга «банк иши» йўналиши бўйича 570 нафар ўқувчи қабул қилиш режалаштирилганди. Ўқишни битирган ўғил-қизлар республикадаги барча коллежларни битирган тенгдошлари сингари ягона нусхадаги диплом оладилар. Шундай экан, улар ҳар қандай давлат корхонаси ва бошқа ташкилотларга ишга киришда ўзга вилоятлардаги коллежларни тамомлаган касбдошлари билан бир хил имкониятга эга.*

*Демак, айрим ота-оналарнинг фарзандларини овора қилиб, бошқа шаҳарларда ўқитишга интилишлари ноўрин. Вилоятимиздаги замонавий коллежларда ёшларга пухта билим бериш учун ҳамма шарт-шароитлар бор.*

***Насиба МАВЛОНОВА,***
***Жиззах вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи.***

## Ўзбошимчаликка чора борми

*— Бир қўшнимиз илгари ариқ ўтган, кейинчалик кўмилиб кетган жойни ҳовлисига қўшиб олиб, иморат қуришга киришиб кетди. Бундай ўзбошимчаликка нисбатан қонун бўйича қандай чора кўрилади?*

**Мавлуда ҚОРАБОЕВА.**
Янгиқўрғон тумани.



— Рухсатнома олмасдан, шунингдек, архитектура ва қурилиш меъёрларини жиддий бузган ҳолда тикланган уй-жой ва бошқа иншоотлар ўзбошимчалик билан қурилган ҳисобланади. Бу ишни амалга оширган шахс, энг аввало, қурган иморатига нисбатан мулк ҳуқуқини ололмайди. Қолаверса, уни тасарруф этишга — сотиш, ҳадя қилиш, ижарага бериш, иморатга нисбатан бошқа битимлар тузишга ҳақли бўлолмайди.

Ўзбошимчалик билан қурилган иморат қурилиш туфайли ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даъвоси бўйича суд чиқарган қарорга биноан, иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши лозим. Шахс ўзига қарашли бўлмаган ер участкасида ўзбошимчалик билан иморат қурган бўлса, унинг бу иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан, башарти, мазкур участка шу шахсга қурилган иморат учун белгиланган тартибда бериладиган бўлса, эътироф этилиши мумкин.

**Баҳодир ХОЛМИРЗАЕВ,**
**Наманган вилояти Давлат Архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси бош мутахассиси.**

## Қандай ҳолларда бепул тиббий хизмат кўрсатилади?

**— Тиббиёт муассасалари томонидан қандай хизматлар бепул кўрсатилади?**

**Ҳамиджон ҲАЙДАРОВ.**
Асака.

— Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига асосан, тиббиёт муассасалари томонидан қайси тиббий хизматлар пуллик ва бепул кўрсатилиши ҳақидаги маълумотлар ҳар қандай тиббиёт муассасаларида истеъмолчилар учун кўринарли жойларга илиб қўйилган бўлиши шарт.

Истеъмолчи, хизмат турлари билан бирга, бу хизматларни кўрсатиш тартиби, пуллик хизмат намунавий шартномасининг мазмуни ҳақида ҳам тўлиқ маълумот олиш ҳуқуқига эга.

«Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 мартдаги «Ижтимоий аҳамиятли касалликлар рўйхати ва шу касалликларга чалинган шахсларга имтиёзлар белгилаш ҳақида»ги, 1997 йил 2 декабрдаги «Даволаш-профилактика муассасаларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ, давлат тиббий-санитария хизматларининг кафолатланган ҳажми доирасида бепул тиббий хизмат кўрсатиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

— шошилинч, кечиктириб бўлмайдиган тиббий хизмат кўрсатиш;

— соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида тиббий хизматлар кўрсатиш;

— юқумли касалликларга қарши аҳолини иммунизациялаш ва вакцинациялаш;

— ижтимоий аҳамиятли ва атрофдагиларга хавф солувчи касалликлар (сил, онкологик, психиатрик, наркологик, эндокринологик касалликларга чалинган беморлар ва касб касалликлари) бўйича ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;

— 15-17 ёшдаги ўсмирлар ва чақириқ ёшидаги шахсларни (18-27 ёш) чақирув комиссиялари йўлланмаси билан кўрикдан ўтказиш ва даволаш;

— туғруққа ёрдам берадиган хизматлар кўрсатиш (пуллик муассасалардан ташқари);

— давлат даволаш-профилактика муассасаларида имтиёзли тоифалардаги пациент/беморлар (уруш ногиронлари ва фахрийлари, тўла етим)ларни даволаш;

— мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, ўрта махсус ва олий ўқув юртларидаги тиббиёт шохобчалари томонидан хизматлар кўрсатиш.

**Нурилло КАРИМОВ,**
**Андижон вилояти Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бўлим бошлиғи.**

## Зовурлар тозаланмагач...

**— «Курсой» қишлоғи аҳолиси кўп йиллардан буён «Икки булоқ» сувидан фойдаланиб келган. Бироқ кейинги пайтда булоқ суви ифлосланиб бормоқда. Бунинг сабаби нимада?**

**Ж. УТАБОЕВ.**
**Тошкент вилояти.**

— Паркент сувидан фойдаланиш жараёнида ҳосил бўлган оқова таъсирида булоқ суви ифлосланаётганлиги аниқланди. Бунга сабаб Юқоричирчиқ тумани «Корача» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ва вилоят гидрогеология экспедицияси тасарруфида бўлган ички ва туманлараро зовурларнинг тозаланмаганлигидир. Мазкур камчиликлар мутасадди ташкилотлар томонидан бартараф этилаяпти.

**А. АЗАМАТОВ,**
**Паркент тумани ҳокими.**

## Ҳам шифобахш, ҳам жозибадор

— Чилонжийдани шифобахш дейишади. Агар шундай бўлса, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида билмоқчи эдим.

**И. ШОТУРСУНОВ.**
Тошкент шаҳри.

— Чилонжийда толқони — ич кетишга даво. У кўкрак ва ўпка, йўтал, томоқ оғриғи, шамоллаш хасталикларига қарши табиий воситадир. Мева қайнатмаси оғиз яраси, жигар, буйрак, қовуқ оғриғини қолдиради. Кукуни билан тоза асал аралашмаси яра ва жароҳатларни тез битказади.

Замонавий тиббиётда чилонжийдадан тайёрланадиган хилма-хил доривор воситалар мавжуд. Хусусан, унинг меваси ва баргидан тайёрланадиган дамламалар пешоб ҳайдаш хусусиятига эга. Таркибида шифобахш моддалар, жумладан, 30 фоизгача қанд, 2,5 фоизгача органик кислоталар, С дармондориси, эйфор мойи, каротин, шиллиқ, рутин, олма, узум ва зизипин кислоталари мавжуд. Данаги мағзида эса 33 фоизгача мой бор.

Чилонжийда нафақат ҳосилдор, дардга эм бўлувчи меваси, балки ўзига хос жозибаси билан ҳам борлиққа файзлидир. Тиббиёт мутахассислари хафақон дардига чалинган беморларга чилонжийда мевасидан тайёрланадиган шарбат ичиб туришни, бронхит, сўзак ва пиелит касаллиги билан оғриганларга кунига 2-3 маҳал 10-20 донагача чилонжийда ейишни тавсия этишади.

**Маннон НАБИЕВ,**
**доришунос.**




## Ипотека кредити олмоқчимисиз?

*— Уй-жой қуриш, уни реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун қандай кредитлар берилади?*

**К. КАРОМОВА.**
Қарши.

— Аҳолига уй-жой қуриш, уни реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун тижорат банклари томонидан гаров хати билан тасдиқланган ҳолда ипотека кредити берилади. Бу иш «Ипотека тўғрисида»ги Қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамаси 2007 йил 3 январда тасдиқлаган Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Ипотека кредити қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда келишилган якка тартибдаги ва намунавий лойиҳа асосида, қурилишнинг белгиланган нормалари ва қоидаларига риоя қилиб якка тартибда уй-жой қуриш ва реконструкция қилиш якка тартибдаги уй-жой ёки кўп квартирали уйдаги квартирани сотиб олиш учун ажратилади.

**Баҳром ҲАЙИТОВ,**
**Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари.**

# МАДАНИЯТ хабарлари

***Республика Киночилар уйида «Вақт шамоллари» ҳужжатли фильмининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.***

## «Вақт шамоллари»

● «Ўзбеккино» Миллий агентлиги буюртмаси бўйича Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясида яратилган мазкур фильмда Ўзбекистон Қаҳрамони, тиббиёт фани ва соҳаси ривожига салмоқли ҳисса қўшган таниқли олима, академик Малика Абдуллахўжаеванинг кўп йиллик самарали фаолияти қизиқарли тарзда ҳикоя қилинади.

Маълумки, М. Абдуллахўжаева тиббиётнинг патологоанатомия соҳаси бўйича жаҳондаги кўзга кўринган мутахассислардан саналади. У кишининг бу борада олиб бораётган илмий изланишлари, амалиётда қўлга киритаётган ютуқлари дунё бўйича ушбу соҳа ривожида катта аҳамият касб этмоқда. Қолаверса, олиманинг тиббиёт соҳасидаги турли хил долзарб масалаларга бағишланган илмий рисолалари ва мақолалари айни пайтда ҳам кўплаб хорижий мамлакатларда қайта-қайта нашр қилинмоқда.

**Лола ҲОЖИМУРОДОВА.**

## Ёрқиной кейинги босқичда

***Замонавий аёл қандай бўлиши лозим? Тўлиқ бахтга эришиш учун нима қилмоқ керак? Оила ўчоғини қандай қуриш ва сақлаш мумкин? «Йил аёли» миллий танловининг Наманганда ўтказилган вилоят босқичи иштирокчилари ҳакамлар ҳайъатининг ана шу мазмундаги қатор саволларига амалий жавоб қайтардилар.***

● Республика нодавлат нотижорат «Аёллар Кенгаши» жамоатчилик бирлашмаси томонидан ташкил этилган ва бу йил илк бор ўтказилаётган мазкур танловнинг вилоят шаҳар ва туманларидаги биринчи босқичида 400 дан ортиқ аёллар қатнашди.

Вилоят босқичи қатнашчилари бўлган 12 аёл ўзлари тайёрлаган рўзғор буюмлари, қандолатчилик маҳсулотларининг кўргазмасини ташкил этдилар. Тадбир шартларини аъло даражада бажарган уч фарзанднинг онаси, Чортоқ туманидаги 53-мактаб муаллимаси Ёрқиной Исоқова ғолиб, деб топилди. Энди у танловнинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Сиз етук тадбиркормисиз ёки шундай бўлишни хоҳлайсизми?
Сиз фермермисиз ва ўз хўжалигингизни янада ривожлантиришни хоҳлайсизми?

Сиз ёшсиз ва сизда замонавий тадбиркорлик ғоялари борми?
Сиз халқаро бизнесга эгамисиз ёки шундай бизнесга эга бўлишни истайсизми?




**Бу борада аниқ ечим бор!**

**«Пахта банк» Сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўла олади!**

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН



**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ аъзолари диққатига!**

***2007 йил 29 сентябрь куни биржа аъзоларининг умумий йиғилиши ўтказилади.***

Умумий йиғилиш «Республика Кўчмас мулк биржаси» марказий аппарати биносининг 4-қаватида соат 10.00 да бошланади.

**Қатнашчилар соат 9.30 да рўйхатдан ўтиши лозим.**

Кун тартибидаги масалалар бўйича биржанинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилиш мумкин.

***Қўшимча маълумот учун телефонлар: 228-80-27, 228-80-24***


*Аввал хабар берганимиздек, Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ҳафталиги доирасида пойтахтимиздаги "Ўзкўргазмасавдо" мажмуи ҳамда Самарқанд шаҳридаги Ўзбекистон Давлат маданияти тарихи музейида "ICTExpo — 2007" ахборот технологиялари миллий кўргазмаси бўлиб ўтди.*

## Кўргазмада он-лайн шахмати

Кўргазмада Ўзбекистон, Россия, Украина, Хитой, Корея Республикаси, Венгрия каби бир қанча давлатларнинг интернет-провайдерлари, телекоммуникация ҳамда компьютер ускуналарини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи 90 дан ортиқ компаниялари ўзларининг 300 дан зиёд турдаги маҳсулотлари билан иштирок этди.

Уч кун давом этган мазкур кўргазмада қатор тадбирлар ўтказилди. Давра суҳбатлари, анжуманлар ва яна кўплаб кўнгилочар лойиҳаларнинг ташкиллаштирилиши иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотгани, шубҳасиз. Хусусан, "O'zbektelekom" АК стендида "Видеоконференсалоқа" тизими орқали шахмат бўйича собиқ жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов самарқандлик тўрт нафар ёш шахматчи билан он-лайн тарзда тезкор шахмат мусобақасида баҳслашди. Қизиқарли кечган ушбу ўйинда Рустам Қосимжонов рақибларининг уч нафарини мағлубиятга учратиб, бир ўйинда дуранг натижа қайд этди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**ЎЗБЕКИСТОН НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМҒАРМАСИ**

**5-ГРАНТ ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

*Мазкур танловни ўтказишдан мақсад муҳим гуманитар, социал-иқтисодий ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ҳал этишда, фуқаролик жамияти институтларини қуйидаги соҳалар бўйича ривожлантиришда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган фаолият билан шуғулланадиган Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлашдан иборат:*

**1. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий буюртмаларини бажаришга оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш.**

**2. Экология, гендер ва ҳуқуқий таълим соҳасидаги лойиҳалар.**

**3. Вояга етмаган болалар ҳуқуқларини ювенал адлия соҳасида ҳимоя қилиш.**

**4. Алоҳида кўмакка муҳтож аҳоли гуруҳлари — жисмоний имкониятлари чекланган одамлар, ишсиз хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш.**

Ажратиладиган грант миқдори **3 миллиондан 10 миллион сўмгача.**

Танловда адлия органларида рўйхатдан ўтган ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясига аъзо бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

Танловни ўтказиш шартлари билан Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамғармасида, шунингдек, www.ngo.uz. расмий сайтида батафсил танишиш мумкин.

Танловда республиканинг турли ҳудудларидан иштирок этувчи ташкилотлар ҳужжатларини электрон почта орқали жўнатиши мумкин.

Вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари, ОАВ, маҳалла фуқаролар йиғинлари, давлат муассасалари, шунингдек, лойиҳа бўйича ҳамкорларнинг қўллаб-қувватлаш хатлари маълумот учун қабул қилинади ва эътиборга олинади.

Ҳужжатларни қабул қилиш оммавий ахборот воситаларида танлов эълон қилинган кундан бошланади.

**Аризалар қабул қилинадиган охирги кун — 2007 йил 1 ноябрь, соат 16-00 гача.**

Саволлар юзасидан Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси лойиҳалари бўйича мувофиқлаштирувчиларга мурожаат қилиш мумкин. Тел.: 133-18-54, e-mail fundgo@rambler.ru.



**РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ**

**«ҒАЛЛАБАНК»**

*мамлакатимизда ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли шартлар асосида*

**МИКРОКРЕДИТЛАР ИПОТЕКА КРЕДИТИ**

**МОЛИЯВИЙ ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИНИ**

*таклиф этади.*

*Шунингдек, банкда*

**«MURABBIY» — 2 ой,**
**«ZIYO» — 3 ой,**
**«MEZON» — 6 ой**

***каби миллий валютадаги янги муддатли омонат турлари амалга киритилганлигини маълум қиламиз.***

**Мазкур омонат турларига маблағ 2007 йилнинг 15 сентябридан 15 октябрига қадар қабул қилинади ва йиллик 24% миқдорида устама ҳисобланади.**

Бундан ташқари, банкда **«ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛГУНЧА» — йиллик 1,0%, «3 ОЙ МУДДАТГАЧА» — йиллик 3,6%, «6 ОЙ МУДДАТГАЧА» — йиллик 5,0%** ва **«12 ОЙ МУДДАТГАЧА» — йиллик 6,0%** тўлаш шарти билан хорижий валютада қабул қилинадиган омонат турлари мавжуд.

**Маълумот учун телефонлар:**
**136-15-01, 136-14-22, 136-74-30, 136-14-27.**

*«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!*

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН



**Ўзбекистон Аудиторлар палатаси қошидаги «Аудит-Форвард» ўқув илмий маркази ва Тошкент Молия институтининг бизнес-мактаби ҳамкорликда**

**билимга чанқоқ ёшларни ўқишга таклиф этади.**

**«Аудит-Форвард» ўқув маркази бухгалтерия программасини мукаммал ўрганишингиз учун қуйидаги йўналишларда ўқишни давом эттиришингизни маслаҳат беради:**

1. Бухгалтерия ҳисоби (бошланғич даража).
2. Бухгалтерлар малакасини ошириш.
3. Молиявий ҳисоб-1.
4. Бошқарув ҳисоби-1.
5. Солиқ ва ҳуқуқ.
6. 1-С Бухгалтерия.

**Ташкилотчи** — Ўзбекистон Аудиторлар палатаси қошидаги «Аудит-Форвард» ўқув илмий маркази.

**Телефонларимиз:**
134-81-99, 135-76-51.

**Манзил:** 100095, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Чимбой кўчаси, 2-уй (аввалги 98-бино), Тошкент Молия институти магистратура бўлими биносининг 1-қавати (Абдулла Авлоний номидаги Республика ўқитувчилар малакасини ошириш институти қаршисида, 246-АТС биноси орқасида).
**Телефон:** 246-58-32.

**Транспортлар:**
- 14, 88, 10-автобуслар ва 2-троллейбуснинг «Нукус» кинотеатри бекати;
- 28, 34, 76, 87, 131, 90-автобуслар ҳамда 2, 4-троллейбусларнинг «Талабалар шаҳарчаси» бекати);
- 65, 82, 85-автобусларнинг «Республика кўз касалликлари шифохонаси» бекати.

**Тошкент Молия институти бизнес-мактаби.**



NURON

**Манзил:** Тошкент ш., Лисунов к., 2-уй. Тел.: 194-60-60. Факс: 120-74-93. www.nuron.uz

Маҳсулот сертификатланган.

**Сервер**
PY ECO200S2A
XEON DP 5050
2 x 250G
2X 1GB ECC
DVD-RW DL

**LCD Мониторлар**
SCENICVIEW A17-2
SCENICVIEW E19-6
Кафолат — 3 йил



**Ноутбуклар**
FUJITSU SIEMENS COMPUTERS
Баҳоси — 1 250 000 сўм ва ундан юқори.
Кафолат — 2 йил

FUJITSU COMPUTERS SIEMENS



**Шахсий компьютер FSC**
ESPRIMO P2511 946GZ
CPU 420/512MB/ 80 GB
Serial/DVD Serial
ATA/Linux
Кафолат — 3 йил




Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси қўмита аъзоси М. Усмоновга турмуш ўртоғи
**Муҳаббат АМИРОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси Телерадиодастурларни мониторинг ва таҳлил қилиш бўлимининг етакчи мутахассиси Турсунбой Қоратоевга укаси
**Рўзиқул ҚОРАТОЕВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Республика «Нуроний» жамғармаси ва унинг Тошкент шаҳар бўлими жамоаси уруш ва меҳнат фахрийси
**Азиза ҚАЛАНДАРОВАнинг**
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 24960 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 2.20 Топширилди — 2.25 2 3 4 5 6